



МАМАТОВ  
Худёр Тештаевич  
Чуққунли судьялар коллежиясининг  
Катталик раёсидир

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини  
бошириш маркази  
“Қонунчилик техникаси ва  
коррупцияга қарши  
экспертиза” кафедраси

Кафедра профессори, ю.ф.д.  
**Х.Т.МАМАТОВ**

**МАВЗУ:  
НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАРНИ  
ҚАБУЛ ҚИЛИШ,  
ЭЪЛОН ҚИЛИШ,  
ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА РАСМИЙ  
ШАРҲЛАШ**



# **РЕЖА:**

- **Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, тушунчаси, турлари, уларни қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига ҳос хусусиятлари.**
- **Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш тартиби ва уларнинг кучга кириши**
- **Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ва ижросини ташкил қилиш.**
- **Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш.**

# Мазкур мавзунинг амалий аҳамияти нималарда кўринади?

**Биринчидан**, ушбу мавзу тингловчиларни норма ижодкорлик бўйича чуқур билимларга эга бўлишини таъминлайди;

**Учинчидан**, тингловчиларнинг кейинги амалий ёки илмий ва педагогик фаолиятида кўмаклашади.

**Иккинчидан**, тингловчиларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича амалий кўникмаларини шакллантиради;



- Сиз билан бугун мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўринга эга — “**Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, ижросини ташкил қилиш ва расмий шарҳлаш**” мавзусининг муҳим жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтамиз.
- **Даставвал, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари, уларни қабул қилишнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида суҳбатлашамиз.**

Сизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ:

*Норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб, — “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатга айтилади.*

*Амалиётда, юридик адабиётларда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “қонун ҳужжатлари” деб ҳам юритилади ва улар давлатнинг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.*

*Қонун ҳужжатлари ўз навбатида қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлади. Унга мувофиқ: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эса қонун ости ҳужжатлари саналади.*

**Хўш, мамлакатда норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қайси органлар ёки мансабдор шахслар қабул қилишлари мумкин?**



“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ —

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари,
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти,
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси,
- вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар,
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрига норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколати кириши мустаҳкамланган. (100-моддаси 1-қисми, 7-кичик бандининг биринчи қисмида).

Ўзбекистон Республикасининг **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунида** маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир тури сифатида мустаҳкамланган. (5-модда)

### **Норма ижодкорлик жараёни билан қонун ижодкорлик жараёнининг фарқи нимада?**

Норма ижодкорлик жараёни қонун ижодкорлик жараёнидан бир қанча жиҳатлари билан фарқланади. Аввало шуни таъкидлаш керакки, норма ижодкорлик жараёни жуда кенг (категория) бўлиб, у ўз ичига барча турдаги (қонун яратишни ҳам) **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни** яратиш жараёнини ўз ичига олади. Демак, норма ижодкорлик ҳам ҳажман ва ҳам субъектлар сонига қараб ҳам қонун ижодкорликдан фарқланади. Қонун ижодкорлик норма ижодкорликнинг **муҳим таркибий қисми бўлиб**, у фақат қонун чиқарувчи ҳокимият органи бўлган парламент томонидан амалга оширилади ва унинг натижаси бўлиб қонунлар ҳисобланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси тўғрисида”** ва **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”**ги қонунларига **эйтибор қаратиш керак.**

**Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай турлари мавжуд?  
Қонуннинг 5-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг  
қуйидаги турлари санаб ўтилган:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
3. Олий Мажлис палаталарининг қарорлари;
4. Президентнинг фармонлари ва қарорлари;
5. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
6. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

**Демак, қонунга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг олти та тури мавжуд.**

Маълумки, кўпгина юридик адабиётларда Қонун ижодкорлиги моҳиятан норма ижодкорлигининг муайян бир йўналиши сифатида эътироф этилади.

**Шунинг учун, қонун ижодкорлиги билан норма ижодкорлиги тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим.**

Чунки, ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқни ўзида акс эттирган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш жараёнини англатса, қонун ижодкорлиги эса айнан қонунлар қабул қилиш билан боғлиқ жараённи ифодалайди.

**Қонун ижодкорлиги ваколатли давлат органининг қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятидир.**

**Мазкур фаолият мураккаб ижодий жараён бўлиб, унда бутун халқнинг иродаси акс этади ва қонун даражасига кўтарилади. Қонунларнинг асосий ижтимоий вазифаси – жамиятда тартиб, интизом ва барқарорликни таъминлашдан иборат.**

**Қонун ижодкорлиги норма ижодкорлигининг таркибий қисми сифатида давлатнинг олий қонунчилик ҳокимияти органи ёки умумхалқ референдуми асосида амалга оширилади.**

**Қонун ижодкорлиги фаолияти ҳуқуқ ижодкорлигининг бошқа турларидан ўзининг масъулиятлиги ва мураккаблиги билан фарқ қилади.**

**Қонун кучга киргач, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қатъий ва асосий кучга айланади.**

**Қонун ижодкорлиги босқичлари**

**Қонун чиқариш функциясини амалга ошириш – Қонунчилик ҳокимияти органининг, яъни парламентнинг асосий вазифаси ҳисобланади.**

**Ҳокимиятни тақсимлаш принципига асосан, жамият барча ижтимоий табақаларининг манфаатларини, бутун миллат манфаатларини ифода этувчи Қонунчилик ҳокимияти органи бошқа давлат органлари томонидан чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиши лозим.**

# Норма ижодкорлик субъекти

- норма ижодкорлик субъектлари бу амалдаги қонунчиликда аниқ-тиник белгилаб қўйилган тегишли давлат органлари ва мансабдор шахслар доирасидир;
- ҳар бир норма ижодкорлик субъекти қонунда белгилаб қўйилган тартиб ва асосларда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилади;
- норма ижодкорлик субъектининг фаолияти асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муайян тури яратилади
- бу жараён қатъий ҳуқуқий базага (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва тегишли қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатлари) асосланади.

Айнан парламент томонидан қабул қилинган қонунлар бошқа барча давлат органлари учун зарурий ҳуқуқий негизни вужудга келтиради, мазкур органларнинг ўзаро ҳамда фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

**Хуллас, қонунлар давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим рол ўйнайди.**

Шунинг учун ҳам қонун чиқариш жараёнини, унинг субъектлари мақомини, қонун чиқариш жараёнининг босқичларини ҳуқуқий тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

**Қонун чиқариш жараёни қуйидаги тўртта босқичдан иборат:**

***а. Қонунчилик тагаббуси;***

***б. Қонун лойиҳаси муҳокамаси;***

***в. Қонунни қабул қилиш ва маъқуллаш;***

***г. Қонунни имзолаш ва эълон қилиш.***



## ***Қонунчилик ташаббуси.***

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қонун чиқариш жараёнининг илк босқичи бўлиб, Конституцияда белгиланган ваколатли органлар ва шахслар томонидан янги қонун қабул қилиш ёки амалдаги қонунни ўзгартириш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун қонун чиқарувчи органга, яъни парламентга тақдим этиш ҳуқуқидир.

Парламент эса ушбу таклиф асосида янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга қабул қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг**

**83-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига:**

**1. Ўзбекистон Республикаси Президенти;**

**2. Ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали**

**Қорақалпоғистон Республикаси;**

3. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди;
6. Олий суди;
7. Бош прокурори эгадирлар.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни билан белгилаб қўйилган.

## Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва уни қабул қилиш

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама этиш қонун яратиш жараёнининг алоҳида ва муҳим босқичидир. Бу босқич қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси тақдим этилгач ва у сессия кун тартибига киргандан сўнг бошланади.

Шакланган тажрибага кўра қонун лойиҳаси 2 хил кўринишда муҳокама қилинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ “Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади”.

**Умумхалқ муҳокамаси** – қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига киритиш жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқ манфаатларини, хоҳиш-иродасини тўла-тўқис акс эттириш имконини беради.

Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг процессуал, ташкилий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонунда ўз ифодасини топган.

Иккинчи ҳолда, қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатасига киритилади ва муҳокама этилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига кўра қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқишга тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда кўмиталар сайланади.

# Норма ижодкорлик субъектиларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунларини қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг Референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш.(78-модда)

Қонун лойиҳасининг асосий муҳокамаси Қонунчилик палатасининг мажлисларида амалга оширилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, **уч ўқишда кўриб чиқади.**

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Масъул қўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. Асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиганида масъул қўмита томонидан маъқулланган таклифлар ҳам, маъқулланмаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. **Иккинчи ўқишда** қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш модда-модда ўтказилади. **Қонунчилик палатаси муҳокама натижалари бўйича** қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгилаган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмасдан яхлитлигича овозга қўйилади. Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул қўмитанинг таклифига биноан, қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонунни Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилади. Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун билан бирга қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш чоғида тақдим этилган ҳужжатлар юборилади.

*Сенатда қонуннинг кўриб чиқилиши ва маъқулланиши*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ:

а) қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиши лозим;



б) Сенат томонидан рад этилган қонун Қонунчилик палатасига қайтарилади ва агар қонунни қайта кўриб чиқишда палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун парламент томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади;

в) Сенат томонидан рад этилган қонун юзасидан палаталар юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тенглик асосида келишув комиссиясини тузиши мумкин.

Конституцияга ўзгартишлар киритиш, конституциявий қонунни қабул қилиш парламентнинг ҳар бир палатасидаги умумий овозлар сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозини талаб этади. Одатдаги қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунни Сенат кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан рад этилган ва Қонунчилик палатасига қайтарилган қонун, агар қуйи палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан шу қонунни яна маъқулласа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун тасдиқлаш учун Сенатга юборилади. Агар Сенат келишув комиссиясининг таклифларини қабул қилган тақдирда қонун Қонунчилик палатаси томонидан одатдаги тартибда қайта кўриб чиқиши керак. Қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқишда келишув комиссиясининг баённомасида мавжуд бўлган таклифларгина муҳокама қилинади.

Келишув комиссиясининг лоақал битта таклифи рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси, Сенат келишув комиссиясига янги таклиф-ларни тақдим этиш учун палата томонидан маъқулланган тузатишларни инобатга олган ҳолда ишни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин.

Агар Сенат қонунни келишув комиссиясининг таҳририда маъқулламас, у рад этилган қонун сифатида Қонунчилик палатасига қайтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

Регламентининг 17-моддасида Сенат томонидан рад этилган, шунингдек

Республика Президенти томонидан эътирозлар билан қайтарилган қонунни

Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Мазкур тартибга мувофиқ, масъул қўмита рад этилган қонун юзасидан хулоса беради.

Масъул қўмитанинг хулосасини олганидан сўнг Қонунчилик палатаси қонунни қайта кўриб чиқиш масаласини ўз мажлисининг кун тартибига киритади.

Агар Қонунчилик палатаси Сенат томонидан рад этилган қонунни палата депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан яна маъқулласа, қонун Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ва Президентга имзолаш ва эълон қилиш учун юборилади.

Қонун Сенат томонидан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан маъқулланади Сенат томонидан маъқулланган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Сенат қарори билан биргаликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенатнинг қонунни рад этиш тўғрисидаги қарорида рад этиш важлари кўрсатилиши керак. Унда бир вақтнинг ўзида қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарурлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув комиссияси тузиш ҳақидаги таклифлар баён этилиши мумкин. Сенатнинг қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Қонунчилик палатасига юборилади.

**Қонунни имзолаш учун Президентга юборилиши**  
**ва унинг Президент томонидан имзоланиши**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ўн кун ичида юборилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қайтарилади. Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда Қонунчилик палатаси депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига Қонунчилик палатаси томонидан юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунни ўз эътирозлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланса, қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Айни пайтда, Конституциявий судга қонун ижодкорлиги жараёнида ушбу масала бўйича муайян ваколат берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

**Идоравий норматив -ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича  
ваколатлар**

**Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилади.**

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, агар кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан вазирлик ва идорага тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича ёки тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ваколати берилган бўлса, уларнинг ваколатига киради.**



**Вазирлик ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас. Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича берилган ваколатни бошқа органларга, шунингдек ўзларининг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига беришга ҳақли эмас.**

**Вазирлик ва идоралар ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган масалалар келиб чиққан тақдирда, агар ушбу масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш ўз ваколатларига кирса, тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилишлари керак.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларга тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида, уни қабул қилиш муддатини кўрсатган ҳолда тақдимнома киритишга ҳақлидир.**

**Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қоида тариқасида бир ойдан ошмаслиги лозим.**

**Ҳуқуқий нормаларни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмаган ҳужжатларга (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар, якка тартибдаги хусусиятга эга ҳужжатлар ва бошқалар) киритилишига йўл қўйилмайди.**

**Умум мажбурий тусга эга бўлмаган, лекин умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган ҳужжатлар бекор қилиниши лозим ва қўлланилмайди.**

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва амал қилиш муддатлари:

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган **“Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари”нинг** 1–12-иловаларига мувофиқ буйруқ ва қарорлар тарзида қабул қилинади.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Икки ёки ундан ортиқ вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қарорлар тарзида қабул қилинади. Буйруқ ва қарорлар бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Буйруқлар ва қарорлар билан Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган **“Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари”**нинг **1–5-иловаларига** мувофиқ ушбу буйруқ ёки қарорнинг таркибий қисми бўлган низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта низомлар, қоидалар ёки йўриқномалар тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

Низомларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмуини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни белгилашни назарда тутди.

Қоидаларнинг асосий мазмуни аниқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий нормаларни белгилашни назарда тутди.

Йўриқномаларнинг асосий мазмуни қонун ҳужжатлари қоидаларини қўллаш тартибини белгилашни назарда тутди.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян муддатга (вақтинчалик) ёки номуайян муддатга қабул қилиниши мумкин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати бутун ҳужжат ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиш муддати: а) аниқ сана билан; б) муайян ҳодисанинг юз бериши ёхуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсадга эришилганлиги билан чегараланиши мумкин.

## Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш тартиби

Вазирлик ва идора томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан буйруқ ёки қарорни имзолаш йўли билан қабул қилинади. Имзолар тегишли вазирлик ва идоранинг муҳри билан тасдиқланади.

Қўшма қарорлар қабул қилишда вазирлик ва идораларнинг номи ҳар бир вазирлик ва идора учун тартибга солинаётган масаланинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда кетма-кет жойлаштирилади.

Тартибга солинаётган масала бир нечта вазирлик ва идоралар учун тенг аҳамиятга эга бўлган тақдирда, уларнинг номлари алфавит тартибида жойлаштирилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ва рус тилларида қабул қилинган ҳолда, таҳрирлари ўзаро мувофиқ бўлиши лозим.

Низомлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар уларни тасдиқлаётган буйруқлар ёки қарорларга илова кўринишида расмийлаштирилади, буйруқ ёки қарорнинг тегишли бандида уларга ҳаволалар бўлиши лозим.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим:

а) ҳужжатнинг тури ва номи;

б) вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахснинг ушбу вазирлик ёки идоранинг муҳри билан тасдиқланган лавозими, имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси;

в) қабул қилинган санаси, рақами ва жойи.

Бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати ягона санага эга бўлиши лозим.

Агар вазирлик ёки идора раҳбарига икки ёки ундан ортиқ лавозимдаги вазифаларни бажариш юклатилган бўлса, у ҳолда ҳужжатнинг реквизитларида унга ушбу вазирлик ёки идора номидан имзолаш ҳуқуқини берувчи лавозими кўрсатилади.



Вазирлик ёки идора раҳбари вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, таътилдалиги ёки бошқа сабаб кўра бўлмаганида унинг вазифасини бажаришни юклаш тегишли вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзоланган ташкилий-бошқарув ҳужжатида назарда тутилган бўлиши лозим. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилаётган ҳужжатлар ҳисобини юритиш учун алоҳида журнал юритишади ва унга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳақида қуйидаги маълумотлар киритилади:

а) ҳужжатнинг тури ва номи;

б) ҳужжат қабул қилинган сана ва жой;

в) ҳужжат келишилган органлар (улар мавжуд бўлса);

г) ҳужжатни имзолаган шахс исмининг бош ҳарфи ва фамилияси, шунингдек лавозими;

д) ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинманинг номи, шунингдек масъул ходим исмининг бош ҳарфи, фамилияси ва лавозими.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналидаги тартиб рақамига мутаносиб рақам берилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журнали тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб боғланган бўлиши керак.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналидаги ёзувларни чизиш ёки уларни бошқача тарзда бузиб тўғрилашга йўл қўйилмайди. Агар ёзувларни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналига киритишда жиддий хатоларга йўл қўйилса, нотўғри киритилган ёзув тўлиқлигича ўчирилади ва маълумотлар қайтадан киритилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналига киритилаётган жиддий бўлмаган тузатишлар, ўзгартириш ва қўшимчалар ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан «Махфий» ва «Мутлақо махфий» грифли ҳужжатлар, иккита асл нусхада қабул қилинади. Қўшма қарорнинг асл нусхалари сони ҳужжатни тасдиқлаган органлар сонига мутаносиб равишда ҳамда битта асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги учун қабул қилинади.

## I.Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш тартиби ва уларнинг кучга кириши

Қонун талабларига мувофиқ - норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳеч ким ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат баён тарзида расмий эълон қилинишига йўл қўйилмайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида жойлаштирилиши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг, уларнинг барча реквизитларини, улар эълон қилинган расмий нашрларни ва уларнинг кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан йўл қўйилади. Бунда расмий нашрларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг аниқ такрорланиши таъминланиши лозим.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.**

*Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.*

*«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.*

**«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»,  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари  
миллий базаси, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва  
идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат  
қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари  
эълон қилинадиган расмий манбалардир.**

**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари  
миллий базаси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти  
органларининг расмий нашрлари мазкур органларнинг  
қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалардир.**

## Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши ва орқага қайтиш кучи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонуни содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки енгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини жорий этишни ёхуд кучайтиришни назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар етказса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тасдиқланган ҳолда уни қабул қилган орган томонидан ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун ичида тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун битта кузатув хати билан фақатгина битта идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ушбу ҳужжатларнинг электрон шакли электрон ахборот ташувчи жисмларда ҳам тақдим этилади ёхуд улар вазирликка электрон почта тизими орқали юборилади.



**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
уларнинг амал қилиш муддатидан, шунингдек  
улардаги ҳуқуқий нормаларнинг қандай  
хусусиятда бўлишидан, шу жумладан давлат  
сирини ташкил этувчи маълумотларга ёки  
махфий маълумотларга эга бўлишидан қатъи  
назар, ҳуқуқий экспертизадан ва давлат  
рўйхатидан ўтказилиши лозим.**

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

ҳуқуқий экспертизани;

ушбу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишни;

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига (бундан буён матнда Давлат реестри деб юритилади) рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ёзув киритишни ва уни Давлат реестрига киритишни;

Давлат реестрига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида ёзув киритишни ва уни Давлат реестридан чиқаришни.

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.**

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги буйруқ асосида рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда Давлат реестрига тегишли ёзув киритилади.**

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги белги (давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг гербли муҳри) буйруқ ёки қарорнинг юқори қисмига қўйилади. Буйруқ ёки қарор иловасининг ҳар бир илова қилинаётган варақининг пастки ўнг бурчагига давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақида муҳр қўйилади.**

**Тақдим қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари”да белгиланган асосларга кўра рад этилиши мумкин.**

## Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди ва ижро этилиши лозим.

Агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлса, унда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат шу санадан бошлаб кучга кириди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинган пайдан эътиборан камида уч ой ўтгач кучга киритилади.

Давлат рўйхатидан ўтиши лозим бўлган ҳужжатларни, улар давлат рўйхатидан ўтказилмасидан ва расмий эълон қилинмасидан, ижрога юборишга йўл қўйилмайди. Мазкур талаблар бузилган тақдирда, ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

## Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ва ижросини ташкил қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан монеликсиз танишиш имкониятини таъминлайдиган ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, уларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этади ҳамда таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини тегишли ҳудудда ташкил этади ва таъминлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш борасидаги ваколатларини белгилайди; Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш учун зиммасига жавобгарлик юклатиладиган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда мансабдор шахсларни белгилайди;

**норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.**

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ҳамда таъминлаш борасидаги ваколатлари қуйидаги-лардан иборат:**

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;**

**Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижро этилишига қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини амалга оширади;**



**норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди,  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан  
биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини  
таъминлаш учун ўз ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этади;  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга  
оширади, тегишли тармоқда қонун ҳужжатларининг қўлланилиши  
амалиётини ўрганади ва, зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини  
такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;  
белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг  
туркумлаштирилган ҳисобини юритади.  
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қонун ҳужжатларига мувофиқ  
бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.**

**Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда:  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишига қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг тарқатилишини таъминлайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича бошқа ташкилотлар билан биргаликда зарур тушунтириш ишларини ташкил этади;  
тегишли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, қонун ҳужжатларининг қўлланилиши амалиётини ўрганади ва, зарурат бўлганда, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### 4.Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” Қонуни **7-** бобининг **43-**моддасига биноан – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди беради.

Қонун ости ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради.

## Норма ижодкорлиги жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида шарҳлашнинг аҳамияти.

Аввало **шарҳлаш** атамасининг маъносига эътибор қаратиш зарур. Умуман олганда шарҳлаш бирон ҳодисанинг аниқ маъносини топиш, ноаниқ, икки хил маънони англатиб турган ёки чалкашроқ бўлиб кўринган нарсани аниқлаштириш ва фактлар ва ҳодисалар ўртасида алоқадорликни ўрнатиш ва изоҳлаш ҳисобланади.

Ушбу атамага яқин бўлган илмий атамалар ҳам мавжуд: “**интерпретация**” – бу латин тилидан ўтган бўлиб, “тушунтириш” маъносини англатади ва у нафақат юриспруденцияда, балки, кундалик ҳаётда ҳам ишлатилади.

**“эксегеза”** – (башоратлар ва тушларни талқин этиш) рим ҳуқуқида қўлланилган, ҳозир қўлланилмайди. Ўзбек тилидаги “талқин” атамасига ўхшаб кетади

**“герменевтика”** – тушунтириш, матни таҳлил этиш санъати бўлиб, унинг келиб чиқиши нотиқлик, жарчи, хабарчилар худоси Гермес номи билан боғлиқ бўлган. Гермес нафақат худоларнинг йуланмаларини етказган, балки тушунарли бўлиши учун уларни талқин ҳам этган. Бугунги кунда **“герменевтика”** илмий фаолиятда кенг қўлланилади, ҳатто айрим олимлар уни давлат ва ҳуқуқ назариясининг масхус қисми сифатида эътироф этишни тавсия этишади.(Т.В.Кашанина.,369 стр.)

# Эътибор қаратинг!

- Кенг маънода шарҳлаш деганда табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳодисалар, жумладан, ҳуқуқ нормасини тушунтиришга қаратилган билиш жараёнидир.
- Шарҳлаш – фикрлашга асосланган операциялар мажмуи бўлган мураккаб интеллектуал-иродавий жараён.
- Нисбатан тор маънода шарҳлаш деганда табиий ёки сунъий тилнинг белгиларини, яъни турли ифодадар, формулалар, символларни тушунтириш ҳисобланади. Айнан шу маънода, “шарҳлаш” атамаси ҳуқуқшуносликда қўлланилади. Бироқ, ҳуқуқшуносликда, фақат матн талқи этиш билан иш битмайди. Шу боис шарҳловчи матн кетидаги ҳуқуқий мазмунга, норма ижодкорлик субъектининг иродасига, унинг нима демоқчи бўлганлигига эътибор қаратади.



**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
ҲУЖЖАТЛАР  
НОРМАЛАРИНИ  
ШАРҲЛАШ ЗАРУРАТИ**

# Эслаб қолинг!

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунида расмий шарҳлаш асослари мустаҳкамланган:



Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди беради.

Қонун ости ҳужжатлари нормаларига расмий шарҳни уларни қабул қилган органлар беради.

“7-боб. Яқунловчи  
қоидалар  
43-модда. Норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатларни  
расмий шарҳлаш



**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.**

**Идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш**

**Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлайди.**

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш бўйича шарҳ бериш зарурати юзага келган тақдирда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган тегишли расмий шарҳ бериши шарт.**

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ берилади.

Расмий шарҳлар беришда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш ҳуқуқий нормалар мазмунини тушунтиришдан иборат бўлиб, аниқлаштирувчи қоидаларни ўз ичига олади ва мустақил аҳамиятга эга бўлмайди ҳамда расмий шарҳ берилаётган нормалар билан биргаликда амал қилади.

Бунда расмий шарҳ бериш мақсадида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнidan фақат сўзма-сўз (унинг бўлими, боби, параграфи, банди ва ҳоказо) фойдаланишга йўл қўйилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунидан (унинг бўлими, боби, параграфи, банди ва ҳоказо) фарқ қилувчи ҳамда янги ҳуқуқий норма ҳосил қилувчи бошқа тушунча ва атамалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича расмий шарҳ бериш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидир.**

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳлар тегишлича буйруқ ёки қарорлар билан Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари”нинг 13-иловасига мувофиқ шаклда берилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги тасдиқланган буйруқ ёки қарорнинг қоғоздаги нусхаси ва электрон шакли ўн кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим қилинади.

**Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейингина ижрога юборилади.**

Расмий шарҳ берилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётганда, унга берилган расмий шарҳ ҳам ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади. Расмий шарҳни ўз кучини йўқотган деб топиш расмий шарҳни бериш тўғрисидаги ҳужжат қандай тартибда қабул қилинган бўлса, шундай тартибда амалга оширилади.

Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ҳамда расмий шарҳни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги буйруқлар ёки қарорлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да эълон қилинади.

Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ҳамда расмий шарҳни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги буйруқ ёки қарорнинг матни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни қандай тартибда тарқатилган бўлса, шундай тартибда тарқатилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидаларини қўллаган ҳолда тўлиқ шарҳ бериш имкони бўлмаган тақдирда, вазирлик ёки идора идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ва уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилишга мажбурдир.

Агар шарҳ тайёрлаш давомида қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати аниқланса, вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари ёхуд юқори турувчи органларга идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича таклиф киритишлари лозим.

# Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш керакки:

Норматив-ҳуқуқий  
Ҳужжатлар норма  
ижодкорлик субъектлари  
томонидан амалдаги  
қонунчиликка биноан  
қабул қилинадиган қонун  
ҳужжатларидир;

Норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларнинг турлари,  
қайси субъект қайси  
ҳужжатларни қабул қилиши  
масаласи, уларнинг ўзаро  
нисбати қонун билан  
белгилаб қўйилади;

Норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларни тайёрлаш,  
уларни қабул қилиш,  
экспертизадан ўтказиш ва  
давлат руйхатига  
киритишга доир барча  
масалалар тегишли қонун  
ости ҳужжатларида  
мустаҳкамлаб қўйилган.

## Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлик субъектлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- **Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Конституция, конституциявий қонун қонунларни қабул қилади ва уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти** республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади, бекор қилади; 17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли; (92-модданинг 16,17 бандлари).

**Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати” деб номланган бобида қонун ҳужжатларининг тури ва ўзаро нисбати мустаҳкамланган. (2-боб, 5-модда)**

**Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги Фармонида мустаҳкамланган идоравий норма ижодкорлик субъектлари уларнинг норма ижодкорлик фаолиятига эътибор қаратиш зарур.(Вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар).**





«Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислоҳотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда.

Бу ҳолат мамлакатимиз қонунчилик тизимига фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларининг ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Аминманки, ҳурматли Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари бу масалага жиддий эътибор қаратадилар. Бу борадаги ишларни ташкил этишда авваламбор қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман»

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Ш.М.Мирзиёев**

# ҚОНУННИНГ МАТНИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ҚОНУНЧИЛИК ТЕХНИКАСИДАН Фойдаланишнинг асосий мақсади

қонун тузилиши ва  
шаклининг  
мукамал бўлиши;

Қонунда ифодаланган  
меъёрий қоидаларнинг  
аниқ, раво ва  
тушунарли бўлиши;

қонун нормаларининг  
қонун чиқарувчининг  
мақсадига тўла мос  
келиши;

қонуннинг предмети  
Ҳисобланмиш  
Муносабатларнинг  
тўла тартибга  
солиниши.

# Қонун яратиш жараёнида атамага нисбатан қўйиладиган талаблар

Қонун матнида махсус атамалар жудаям кўпайиб кетмаслиги керак, акс ҳолда у фақат тор мутахассислар учунгина тушунарли бўладиган қонунга айланиб қолади;

Атамаларнинг мазмуни қисқа, тушунарли тарзда изоҳланиши керак;

Имкон қадар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасидагина эмас, балки бутун ҳуқуқий тизим доирасида бир ва айнан ўша атаманинг бир хил тушунилиши, бир хил изоҳланиб, қўлланишига эришиш лозим.

## Қонуннинг тузилиши қуйидаги белгилар асосида бўлиши тавсия этилади:



- фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- зарурий бўлган маъмурий идоралар (масалан, Патент идораси);
- мўлжалланаётган санкциялар;
- солиққа доир қоидалар;
- ўтказиш қоидалари, бунда қонуннинг кучга кириш санаси ҳам ифодаланиши лозим;



Ҳар бир давлатнинг қонун ижодкори ҳар доим бир хил тузилишдан фойдаланишга ўрганиши лозим, мисол учун, бўлим, боб, қисм, модда ва ҳоказо;



Қонун моддаларига имкон қадар ном бериш зарур, чунки бу бир томондан қонун лойиҳаси устида ишлашни енгиллаштиради, иккинчидан, уни амалиётда қўллашга хизмат қилади;

## Қонуннинг тузилиши қуйидаги белгилар асосида бўлиши тавсия этилади:

- Қонунда кундалик ҳаётдагидан бошқа маънода ишлатиладиган турли иборалар (дефинициялар) қўлланилса, имкон қадар уларнинг тушунчаларини бериш лозим.
- Такрорлашларни олдини олиш ҳамда янги атамаларни муомалага киритишда ҳам тушунчалардан фойдаланиш тавсия этилади.
- Тушунчаларда норматив кўрсатмалар бўлмаслиги ҳамда улар сўзнинг сунъий маъносини келтириб чиқармаслиги лозим



# Қонун сарлавҳаларини танлаш қоидалари



Ижрочилар қонун номига қараб, унинг асосий мазмунини аниқлаб олишлари зарур.

Ўз.Р.нинг ---тўғрисидаги қонунининг --- моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонуни.

Қонуннинг битта ёки иккита моддасига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритилаётганида эса қонуннинг номини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

## Муқаддимани шакллантириш қоидалари



Муқаддима (кириш) - қонун лойиҳасининг мустақил қисми бўлиб, у қонунни қабул қилиш сабаблари, мақсадлари ва вазифаларига доир тушунтиришларни ифода этади. Одатда, қонунда муқаддиманинг бўлиши шарт ҳисобланмайди.

# Қонуннинг айрим нормаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш қоидалари

1

Қонунларга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш мустақил қонун билан расмийлаштирилиб, унда ўз навбатида ҳар бир қонунга киритилаётган ўзгартишлар мустақил модда сифатида расмийлаштирилади.

2

Агар қонун лойиҳаси билан бир неча қонунга ўзгартиш ёки қўшимчалар киритилаётган бўлса, бу қонунлар хронологик тартибда жойлаштирилади

3

Қонунга умумлаштирилган шаклда (яъни матн бўйича деган иборани қўллаб) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

4

Қонун лойиҳасининг моддалари, боблари, бўлимлари ва бошқа тузилмавий бирликлари изчил кетма-кетликда рақамланиши керак. Масалан, ҳар бир бобнинг моддаларини алоҳида-алоҳида рақамлашга ёки ҳар бир бўлимнинг бобларини алоҳида-алоҳида рақамлашга йўл қўйилмайди

## Юридик фанда шарҳлаш икки қисмга ажратилади:

1. Ҳуқуқ нормасининг мазмунини англаб олиш – шарҳлашнинг асосий ва зарурий қисми. Бунда шарҳлаш – англаб олиш ички фикрлаш жараёни сифатида майдонга чиқади ва шу боис, ташқи ифодаланиш шаклига эга бўлмайди.

2. Ҳуқуқ нормаси мазмунини **тушунтириб бериш** – шарҳлашнинг иккинчи қисми ҳисобланади. Тушунтириб бериш – ҳуқуқ нормасининг маъносини баён этиш бўлиб, у англаб олиш босқичининг натижаси сифатида майдонга чиқади. У шарҳловчининг ўзига эмас, балки ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиларига қаратилган бўлади. Масалан, адвокатнинг фаолияти кўпинча тушунтириш билан боғлиқ кечади.



# Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги аҳамияти

Тизимлаштиришнинг объекти,  
предмети, субъекти ва босқичларини  
қиёсий таҳлил .

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни  
тизимлаштиришнинг бир тури  
сифатида инкорпорациянинг ҳуқуқ  
нормаларидан фойдаланишни  
енгиллаштиришдаги ўрни,

# ҚОНУНИЙЛИК ТУШУНЧАСИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ва йўналишлари норма ижодкорлик жараёнига ҳам таъсир этиб, унинг ривожланишига туртки бўлмоқда. Ижтимоий муносабатларнинг шиддаткорона ривожи янги-янги қонунлар, Фармонлар ва қарорларнинг қабул қилинишини тақозо этмоқда. Аини пайтда қонун ҳужжатлари массивининг кўплиги, улардан унумли, тез ва малакали фойдалана олиш масаласини, яъни қонун ҳужжатларини тизимлаштиришни кун тартибига қўяди.

Шунга боғлиқ ҳолда қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг қуйидаги усуллари ажратилади:

Инкорпорация;  
Консолидация;  
Кодификация.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш – бу амалдаги қонун ҳужжатларини бир тартибга солиш ва уларни ягона тизимга келтиришга қаратилган фаолиятдир. Айни пайтда бу фаолият бир марталик тусга эга бўлмасдан, балки доимий характерга эга, чунки, бу жараён ҳуқуқнинг динамик ривожланишининг объектив заруратидир. Норма ижодкорлик –ривожланиб борадиган жараён бўлиб, шу боис, доимий равишда янги-янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, амалдагиларига қўшимчалар қўшиш ва ўзгартириш, эскирганларини бекор қилиш зарурати вужудга келиб туради.**

# Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг бир тури сифатида инкорпорациянинг ҳуқуқ нормаларидан фойдаланишни енгиллаштиришда ўрин

- **Инкорпорация** – “Incorporeato” сўзи “бирлаштириш”, “ниманидир таркибига қўшиш” маъносини англатади.
- **Инкорпорация** деганда, қонун ҳужжатларини оддий юзаки белгиларга қараб бирлаштириш ва қоғозга тушириш ёки электрон вариантини яратиш тушунилади..

Эслаб қолинг!

Инкорпорация – бу қонун ҳужжатларини муайян мезонлар остида унинг мазмунини ҳам, шаклини ҳам ўзгартирасдан ягона тўпламга келтиришдир

# Ўқиш учун адабиётлар

- Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. –Т.: ТДЮИ, 2009. -172 б.
- Najimov M.K., Saydullaev Sh.A. Qonunchilik texnikasi. O`quv qo`llanma. Qayta ishlangan va to`ldirilgan 2-nashr. –Т.: TDYI nashriyoti, 2012. – 163 b.
- Кудрявцев И.В. Законодательная техника. Учебное пособие. –Т.: ТГЮИ, 2009. – 310 с.
- Саидов А.Х. Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари.-Т.: Адолат, 2001. –279 б.

# Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 76 б.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Кодекслари. Расмий нашр.–Тошкент: Адолат,2014. -1056 б.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда.
- 4.Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. –№12. –213-модда.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. –№12. –215-модда.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси // Lex.uz.
- 7. “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАЊМАТ!

CREDITS: This presentation template was  
created by \_\_\_\_\_, including icons by  
\_\_\_\_\_, and infographics & images by